ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎқИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

# «ТАШқИ ИқТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҳИСОБИ»

## (МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ)

5А340901«Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар бўйича) мутахасислигидаги магистрлар учун

Тошкент – 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

**«ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ»**

**(МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ)**

5А340901«Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар бўйича) мутахасислигидаги магистрлар учун

Тошкент – 2007

## АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида ҳамжамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бу чора-тадбирлар дунёда иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ягона жаҳон иқтисодини яратиш жараёнлари кечаётганини ҳисобга олиб амалга оширилмоқда.

Ушбу масалалар тўплами «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби» фани бўйича амалий маълумотлар асосида тузилган топшириқлар ва вазифалар 5А340901«Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар бўйича) мутахасислигидаги магистрлар учун бажарилган.

Ўқув қўлланма «Бухгалтерия ҳисоби» мутахасислиги магистрлар учун тасдиқланган ДТС ва намунавий ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.


Тузувчилар:
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири
и.ф.д проф. **Хасанов Б.А.**
и.ф.д проф. **Маматов З.Т.**
т.ф.н. проф. **Мажидов А. А.**
т.ф.н. проф. **Абдукаримова М.Р**

Тақризчилар:
ТТЕСИ «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг доценти, т.ф.н **Фазилова А.Н.**
ТМИ «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг доценти, и.ф.н. **ҳошимов А.А.**

ТТЕСИ илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Баённома № 7. 26. 02. 2007й.

Ўқув – услубий қўлланма ТТЕСИ босмахонасида _ нусхада кўпайтирилган

## Кириш.

ҳозирги кунда ўзбекистон Республикасида ҳамжамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бу чора-тадбирлар дунёда иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ягона жаҳон иқтисодини яратиш жараёнлари кечаётганини ҳисобга олиб амалга оширилмоқда. ўзбекистон умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни истар экан, ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириши ва жаҳон иқтисодининг таркибий қисмига айланиши зарур.

Ташқи иқтисодий фаолият бу ташқи савдо ва бошқа давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан иқтисодий муносабатларидир. Ушбу муносабатларни ривожлантириш, маҳсулотларни экспорт қилиш, импортёрлар билан ҳисоб-китобларни тў$^{2}$ри амалга ошириш ва уларни бухгалтерия ҳисобида тў$^{2}$ри ҳисобга олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Шу сабабли ташқи иқтисодий фаолият операцияларни ҳисобга олишни ва уларни амалий масалалар ёрдамида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу масалалар тўпламида «Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисоб» фани дастурида назарда тутилган мавзулар бўйича масалалар шартли бирликларда келтирилган.

Умуман, масалалар тўпламида «Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисоб» фани амалий маълумотлар асосида тузилган масалалар билан хар томонлама ёритиб беришга харакат қилинган.

Назарий ва амалий манбалар асосида ишлаб чиқилган ушбу масалалар тўпламидан талабалар «Ташқи иқтисодий

фаолиятда молиявий ҳисоб» фанини ўрганишда чуқурроқ билимга эга бўлишда фойдаланишлари мумкин.

## 1-Мавзу: Ташқи иқтисодий фаолият корхоналарида молиявий ҳисобни ташкил қилиш.

### 1- Масала.

қўшма корхонанинг чет эл валютасидаги хўжалик мабла²ларини туркумларга ажратиш.

қуйида корхонанинг хўжалик мабла²лари ҳақида маълумот келтирилган:

| № | Хўжалик мабла²ларининг номи | Сумма (АқШ долларида) |
|---|---|---|
| 1. | Бинолар | 80 000 |
| 2. | Транспорт воситалари | 16 000 |
| 3. | Валюта мабла²лари | 563050 |
| 4. | Хўжалик инвентарлари ва жиҳозлар | 2500 |
| 5. | Капитал харажатлар | 15200 |
| 6. | Узоқ муддатли облигациялар | 212030 |
| 7. | қисқа муддатли акциялар | 35600 |
| 8. | Йўлдаги пул мабла²лари | 35 000 |
| 9. | Фирма баҳоси (гудвил) | 432 000 |
| 10. | Курилиш материаллари | 23240 |
| 11. | Тайёр маҳсулот | 35606 |
| 12. | Касса аппарати | 520 |
| 13. | қисқа муддатга ижарага берилган асосий воситалар | 5 300 |
| 14. | Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар | 8 587 |
| 15. | Харидорларнинг уларга жўнатилган маҳсулотлар юзасидан мажбуриятлари | 75 675 |
| 16. | Асбоб-ускуналар | 24012 |
| 17. | Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари | 24870 |
| 18. | Маҳсулот яроқсизлиги | 600 |
| 19. | Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари | 7 511 |
| 20. | Хом-ашё | 54 367 |

**Топшириклар:**

1. қўшма корхонанинг чет эл валютасидаги хўжалик мабла²ларини хўжалик жараёнида бажарадиган функционал ролига қараб гурухлантирилсин.
2. қўшма корхонанинг чет эл валютасидаги хўжалик мабла²лари хўжалик жараёнида қатнашиш характери ва муддатига қараб гурухлантирилсин.

3. қўшма корхонанинг чет эл валютасидаги хўжалик маблағлари балансда акс эттирилишига кўра гурухлаштирилсин.

Топшириқларни бажариш учун материаллар.

Корхонанинг чет эл валютасидаги хўжалик маблағларини хўжалик жараёнида бажарадиган функционал ролига қараб гурухлаштирилганда қуйидаги жадвалдан фойдаланилсин:

| Ишлаб чиқариш соҳасидаги хўжалик маблағлари | | Муомала сохасидаги хўжалик | Корхона оборотидан четлатилган |
|---|---|---|---|
| Меҳнат воситалари | Меҳнат буюмлари | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 |

қўшма корхонанинг чет эл валютасидаги хўжалик маблағларини хўжалик жараёнида қатнашиш характери ва муддатига қараб гурухлаштирилганда қуйидаги жадвалдан фойдаланилсин:

| Асосий воситалар | | Айланма маблағлар | | Оборотдан ташқари маблағлар |
|---|---|---|---|---|
| Ишлаб чиқаришда қатнашадиган | Ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган | Меъёрлашадиган | Меъёрлашмайдиган | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |

қўшма корхонанинг чет эл валютасидаги хўжалик маблағларини балансда акс эттирилишига кўра гурухлашда қуйидаги жадвалдан фойдаланилсин.

| Узоқ муддатли активлар | Айланма активлар |
|---|---|
| 1 | 2 |

**2-Масала.**

Жадвал маълумотларидан фойдаланиб қўшма корхона(қК) хўжалик муомалаларига бухгалтерия ўтказмаларини тузинг.

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Сумма | Корреспонденциялашадиган счётлар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Д-т | К-т |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| 1. | қК акционерлик жамият сифатида рўйхатдан ўтгандан сўнг рўйхатга олинган бошлан²ич капитал суммасига бухгалтерия ўтказмаси берилди. | 200000000 | | |
| 2. | ҳақиқатда иштирокчилардан қабул қилинган қўйилмалар:<br>Асосий воситалар<br>Материаллар<br>Пул мабла²лари (ҳисоб-китоб счётига) | <br><br>10000000<br>50000000<br>140000000 | | |
| 3. | Хизмат сафарлари учун кассага хорижий валюта олинган (1000АқШ доллари МБ курси -280сўм/долл.) | 280000 | | |
| 4. | Кассадан ходимга хизмат сафари харажатлари учун хорижий валюта берилди(1000 АқШ доллари МБ курси 280 сўм/долл) | 280000 | | |
| 5. | 3000 АқШ долларига (МБ валюта курси 280 сўм/долл) махсус карточка ҳисоб-счёти очилди | | | |
| 6. | Бўнак ҳисоботи бўйича ҳисобдор шахсдан ўчирилди:<br>Кундалик харажатлар норма бўйича ва нормадан юқори қисми АқШ долларида (650*280 сўм/ долл.)<br>Ўчиш харажатлари (300*280 сўм/ долл) | | | |
| 7. | Белгиланган нормадан ошган кундалик суммадан даромал соли²и ҳисобланган (150АқШ*280 сўм/ долл | | | |
| 8. | Белгиланган нормадан оширилган (150АқШ) хизмат сафари харажатларидан ижтимоий су²урта ажратмаси ҳисобланган | | | |
| 9. | Бўнак қолди²и кассага топширилди 50АқШ доллари*285 сўм/ долл | | | |
| 10. | Валюта курсидаги фарқ акс эттирилди 50АқШ доллари*(285-280) | | | |
| 11. | Фойдаланилмаган хорижий валюта жорий валюта ҳисоб-счётига киритилди (50АқШ доллари*285 | | | |
| 12. | Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида уларнинг баҳоси ошди<br>Биргаликда асосий воситаларнинг амортизацияси суммасининг камайиши ҳам акс эттирилди | 5000000<br><br><br>1000000 | | |
| 13. | Ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлмаган асосий воситаларни | 6000000 | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | қайта баҳолашдан сўнг уларнинг кўпайган баҳоси акс эттирилади | | | |
| 14. | Ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларга тў$^2$ри чизиқ усули асосида ҳисобот даврига амортизация ҳисобланган | 4000000 | | |
| 15. | Ликвидация вақтида қўшма корхона сотди:<br>Материалларни<br>Сотилган материалларга ққС ҳисобланди<br>Асосий воситаларни қолдиқ қиймати бўйича<br>Сотилган асосий воситаларга амортизация ҳисобланган<br>Сотилган асосий воситаларга ққС ҳисобланган | <br><br>15000000<br>3000000<br><br>50000000<br>2000000<br><br>10000000 | | |
| 16. | ҳисоб-китоб счётига пул мабла$^2$лари келиб тушди<br>Материаллар учун<br>Асосий воситалар учун | <br><br>21000000<br>60000000 | | |
| 17. | Сотишдан молиявий натижа акс эттирилган:<br>-Материаллар;<br>-Асосий воситалар | | | |

**3-Масала.**

қуйида келтирилган жадвал маълумотлари асосида валюта операцияларини тан олиш саналарини аниқланг.

| № | Чет эл валютасидаги операциялар | Операцияни тан олиш санаси |
|---|---|---|
| 1 | Валюта ҳисобварақлари бўйича банк операциялари | |
| 2 | Чет эл валютасидаги касса операциялари | |
| 3 | Корхонанинг чет эл валютасидаги даромадлари | |
| 4 | Корхонанинг чет эл валютасидаги харажатлари | |
| 5 | Ишлаб чиқариш материал заҳиралар ва бошқа мулкнинг импорти | |
| 6 | Хизмат импорти | |
| 7 | Корхона ходимларига ҳисобдорлик асосида берилган чет эл валютасидаги суммалар бўйича қарздорликнинг қопланиши | |

| | | |
|---|---|---|
| 8 | Корхона устав капиталини шакллантириш | |
| 9 | Чет эл валютасидаги ҳисоб-китоблардаги қимматли қо²озлар ва мабла²лар | |

**4-Масала.**

Мулкни бошқаришга ишонч шартномасининг бажарилиши билан бо²лиқ хўжалик муомалаларига жадвалдан фойдаланиб бухгалтерия ўтказмаларини тузинг.

| № | Хўжалик муомалаларинг мазмуни | Сумма | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Д-т | К-т |
| 1. | Бошқарма таъсисчиларига бошқаришга ишониб топширилган асосий воситалар ҳисобга қабул қилинди. | 101000000 | | |
| 2. | Ишончли бошқарувчига шартномада кўрсатилган мукофот суммаси тан олинган. | 150000000 | | |
| 3. | Мукофот суммаси ишончли бошқарувчига ўтказилган. | 150000000 | | |
| 4. | Ишончли бошқаришдан асосий воситалар қайтарилган | 101000000 | | |

**5-Масала.**

қуйидаги маълумотлар асосида умумий иш юритувчи иштирокчи-бошқарувчи корхонадаги хўжалик муомалалари ҳисоби бўйича жадвалга бухгалтерия ўтказмаларини тузинг.

1.қўшма фаолият юритиш учун 12000000 сўм пул мабла²лари олинган;

2.қолдиқ қиймати бўйича 67 000 000 сўмга асосий воситалар олинган;

3.3000000 сўм миқдорида хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар олинган;

4.қўшма фаолиятдан олинган 2000 000 сўм фойда ўтказилган;

5.3000000 сўм миқдорида қўшма фаолиятдан олинган зарар тақсимланган.

| Хўжалик муомалалари | Сумма | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | | Бухгалтерия ўтказмасига асос бўлган ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | Д-т | К-т | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Оддий шерикчилик шартномаси асосида пул мабла²и олинган | 12000 000 | | | |
| Асосий восита қабул қилинди | 67000 000 | | | |
| Хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар қабул қилинди | 3000 000 | | | |
| қўшма фаолият фойдаси иштирокчиларга тақсимланди | 2000 000 | | | |
| қўшма фаолият фойдаси ўтказилди | 2000 000 | | | |
| қўшма фаолият зарари тақсимланди | 3000 000 | | | |
| Зарарни қоплаш счётига мабла² қабул қилинди | 3000 000 | | | |

## 2-Мавзу: Узоқ муддатли активлар ҳисоби

### 6-Масала.

қуйидаги жадвалдан фойдаланиб ишонч бошқармаси таъсис корхонасидаги хўжалик муомалаларига бухгалтерия ўтказмаларини тузинг.

| Хўжалик муомалалари | Сумма | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | | Бухгалтерия ўтказмасига асос бўлган ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | Д-т | К-т | |
| Ишонч бошқармасига берилган пул мабла²лари | 2000 000 | | | |
| Ишонч бошқармасига берилди: -асосий воситалар | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| қолдиқ қиймати бўйича;<br>-номоддий активлар қолдиқ қиймати бўйича;<br>-материаллар; | 10 000 000<br>25 000 000<br>15 000 000 | | | |
| Ишонч бошқармаси шартномаси бўйича фойда ҳисобланган | 12000 000 | | | |
| Ишонч бошқармаси фойдаси ўтказилган | 12000 000 | | | |
| Ишонч бошқармаси шартномасини бекор қилиниши. қайтарилди:<br>-асосий воситалар;<br>-номоддий активлар;<br>-материаллар | 10000 000<br>25000 000<br>15000 000 | | | |

**7-Масала.**

қуйидаги маълумотлар асосида жадвалга қўшма фаолият ҳисоби бўйича хўжалик муомалаларини иштирокчи-корхонада акс эттириш учун бухгалтерия ўтказмаларини тузинг:

1. Оддий шерикчилик шартномаси иштирокчилари томонидан 10000 000 сўм пул мабла$^{2}$и киритилди.
2. Шартнома иштирокчиси томонидан қисқа муддатли қўшма фаолият юритаётган бошқа иштирокчига асосий воситалар (бошлан$^{2}$ич қиймати 70 000 000 сўм, ҳисобланган амортизацияси 3000 000 сўм) бериб юборилди. Бериб юборилган асосий воситалар оддий шерикчилик шартномаси баҳосига кўра 75000 000 сўм.
3. Бериб юборилди: материаллар 1000 000 сўм.; номоддий активлар-2000 000 сўм (амортизацияси-1000 000 сўм); тайёр маҳсулот-5000 000 сўм.
4. қўшма фаолиятдан 2000 000 сўм фойда ҳисобланган.
5. Пул мабла$^{2}$ларининг бўнаги 5000 000 сўмни ташкил этди.

| Хўжалик муомалалари | сумма | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | Бухгалтерия ўтказмасига асос бўлган ҳужжатлар |
|---|---|---|---|

| | | Д-т | К-т | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| АВ амортизацияси ҳисобдан чиқарилган | 3000000 | | | |
| АВ қолдиқ қиймати бўйича берилди | 67000000 | | | |
| Асосий воситалар оддий шерикчилик шартномаси баҳосига кўра берилди | 75000000 | | | |
| қўшма фаолият учун материаллар берилди | 1000000 | | | |
| Номоддий активлар қолдиқ қиймати бўйича берилди | 1000000 | | | |
| Номоддий активлар оддий шерикчилик шартномаси баҳосига кўра берилди | 1500000 | | | |
| Пул маб²ларининг бўнаги | 5000000 | | | |
| Тайёр маҳсулотлар молиявий қўйилмалар счётига берилди | 5000000 | | | |
| қўшма фаолиятдан фойда олинди | 2000000 | | | |
| қўшма фаолият фойдаси ҳисоб-китоб счётига тушди | 2000000 | | | |

**8-Масала.**

қуйидаги маълумотлар ёрдамида қўшма фаолият юритаётган корхона шартнома муддати тугаганлиги туфайли қўшма фаолиятни тугатиш учун бухгалтерия ўтказмаларини жадвалда акс эттиринг.

Бўнак сифатида тўланган 12000 000 сўм мабла²ни иштирокчиларга қайтариш;

1. қўшма фаолият иштирокчиларига мулклар қайтарилди:

- тайёр маҳсулотлар-5000 000 сўм;
- асосий воситалар-67000 000 сўм;
- хом ашё ва материаллар-3000 000 сўм, товарлар-15000 000 сўм;

| Хўжалик муомалалари | Сумма | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | | Бухгалтерия ўтказмасига асос бўлган хужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | Д-т | К-т | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Бўнак мабла$^{2}$лари қўшма фаолият иштирокчиларига қайтарилди | 12000 000 | | | |
| Олдин бериб юборилган ва қўшма фаолият даврида сотиб олинган мулклар қайтарилди:<br>-тайёр маҳсулотлар;<br>-асосий воситалар;<br>-хом ашё ва материаллар;<br>-товарлар. | 5000 000<br>67000 000<br>3000 000<br>1500000 | | | |

**9-Масала.**

Корхона хорижда кўчмас мулкни сотиб олди ва қуйидаги операцияларни бажарди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи олинди – 30000 $. Доллар курси – 1030,0 сўм. | |
| 2 | Жорий валюта ҳисобвара$^{2}$идан кўчмас мулк қийматини тўлаш учун валюта ўтказилди. Доллар курси – 1032,0 сўм. | |
| 3 | Валюта курси ўртасидаги фарқ | |

**Топшириқлар:**

1. ўзбекистонлик корхона хорижда кўчмас мулкни қандай тартибда сотиб олиши мумкин?
2. Амалга оширилган операциялар суммаларини аниқланг.
3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини келтиринг.

**10-Масала.**

қуйидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда зарар келтираётган маҳсулотлар туфайли қўшма фаолиятнинг

тугатилишини оддий шерикчилик шартномаси иштирокчи-корхонасида бухгалтерия ўтказмалари билан жадвалда акс эттиринг.

1. 75000 000 сўм миқдорида асосий воситалар олинди;
2. 3000 000 сўм миқдорида материаллар олинди;
3. 1000 000 сўмга номоддий активлар олинди;
4. 5000 000 сўм пул мабла$^2$лари қайтариб берилди.

| Хўжалик муомалалари | Сумма | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | | Бухгалтерия ўтказмасига асос бўлган ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | Д-т | К-т | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| Асосий восита олинди | 75000000 | | | |
| Хом ашё ва материаллар олинди | 3000000 | | | |
| Номоддий активлар олинди | 1000000 | | | |
| Пул мабла$^2$лари олинди | 5000000 | | | |

## 3-Мавзу: Товар моддий заҳиралари ҳисоби

### 11-Масала.

Импорт муомалалари бўйича хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш журналида бухгалтерия ўтказмаларини тузинг. Бунда савдо ташкилоти хорижий мол етказиб берувчидан кейинчалик 1510 - "Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш" счётида шаклланган божхона баҳосида сотиш мақсадида товар сотиб олди.

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Сумма | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Д-т | К-т |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | Хорижий мол етказиб берувчига 50000 АҚШ долл бўнак тўлови ўтказилган. Валюта курси 260 сўм /долл | | | |
| 2. | Хорижий мол етказиб берувчидан божхона юк декларациясига асосан 31000 АҚШ долл товар қабул қилиб олинди ва шартнома баҳоси бўйича кирим қилинди. Кирим қилинган санадаги ЎзР МБ валюта курси - 255 сўм/долл | 6000<br>1200 | | |
| 3. | Олдиндан тўланган бўнак тўлови товар қабул қилинганда мол етказиб берувчи олдидаги қарзни камайтирди. | | | |
| 4. | Валюта курсидаги фарқ акс эттирилди. (260-255)*31000 АҚШ долл = 155000 | 155000 | | |
| 5. | 1600 АҚШ долл божхона божи ҳисобланди. Валюта курси 255 сўм/долл. | 408000 | | |
| 6. | 48 АҚШ долл божхона йи²ини ҳисобланди. | 12240 | | |
| 7. | Импорт оварлар ҳақиқий баҳоси бўйича кирим қилинди. | | | |
| 8. | Кирим қилинган товарга ққС ҳисобланган.(31000қ1600)*20% | | | |
| 9. | ққС суммаси ҳисобга олинди. | | | |

### 12-Масала.

Корхона импорт контракти бўйича товарларни импорт қилиб, ўз омборига кирим қилди ва қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | Экспортёрга товар ҳақи учун валюта ўтказилиб берилди – 25100 $. Доллар курси – 1029,0 сўм. | |
| 2 | Импортёрнинг товарларни импорт қилиш бўйича харажатлари ҳисобга олинди:<br>А) товарнинг контракт суммаси. Доллар курси – 1030,0 сўм<br>Б) товарнинг контракт суммасига кирмайдиган товарни олиб келиш билан бо²лиқ харажатлар – 300 $. Доллар курси – 1031,0 сўм<br>В) божхона тўловлари:<br>- божхона пошлинаси ҳисобланган<br>тўланган<br>- чет эл валютасидаги божхона йи²имлари<br>ҳисобланган<br>тўланган<br>- акциз<br>ҳисобланган<br>тўланган<br>- ққС<br>ҳисобланган<br>тўланган | |
| 3 | Чегарадан импортёр омборхонасига товарни олиб келиш харажатлари ҳисобга олинди:<br>Асосий харажатлар<br>ққС | |
| 4 | Олиб келинган импорт товари омборхонага кирим қилинди | |
| 5 | Омбордаги импорт қилинган товар сотишга берилди. Доллар курси – 1032,0 сўм | |
| 6 | Импорт қилинган товарни сотишдан сўмдаги сумма – 28862000 сўм талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвара²ига кирим қилинди. | |

**Топшириқлар:**

1. Товарларини импорт қилиш тартибини тушунтиринг.

2. Амалга оширилган операциялар суммаларини ҳисобланг.
3. Валюта курси ўртасида юзага келган фарқни аниқланг.
4. Божхона тўловларини ҳисобланг.
5. Бухгалтерия проводкаларини тузинг.

## 4-Мавзу: Экспорт операциялари ҳисоби

**13-Масала.** қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўзбекистонлик корхона-экспортёр томонидан экпорт қилинган товарни ҳисобга олиш бўйича бухгалтерия проводкаларини келтиринг. Экспорт тушуми келиб тушишида валюта курсини аниқлаб, унинг бухгалтерия проводкаларини тузинг.

| № | Операция мазмуни | Сумма $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | ўзбекистонлик корхона-экспортёр томонидан экпорт учун мўлжалланган товар юклаб жўнатди | 100000 |
| 2 | Экспорт бўйича устама харажатлар: | |
| | А) транспорт-экспедиторлик ташкилотларга хизмат учун ва товарни ташиш<br>Сўмда:<br>Тўланиши лозим<br>Тўланган<br>Чет эл валютасида:<br>Тўланиши лозим<br>Тўланган<br>Тўловлар бўйича ққС:<br>Тўланиши лозим<br>Тўланган | <br><br><br>$\frac{-}{450000}$<br>$\frac{-}{450000}$<br><br>$\frac{350}{360500}$<br>$\frac{350}{360500}$<br><br>$\frac{-}{60000}$<br>$\frac{-}{60000}$ |
| | Б) божхона тўловлари:<br>Сўмда ҳисобланган<br>Чет эл валютасида ҳисобланган | <br>$\frac{-}{1450000}$<br>$\frac{50}{51500}$ |

| | | |
|---|---|---|
| | Сўмда тўланган<br><br>Чет эл валютасида тўланган | – / 1450000<br>50 / 51500 |
| 3 | Товар сотиб олувчига юклаб жўнатилган товар учун тўловни амалга ошириши учун тўлов ҳужжатлари тақдим этилди: | |
| | А) товарнинг контракт суммаси акс эттирилади (доллар курси 1030,0 сўм) | 5000 / 5150000 |
| | Б) товарнинг таннархи ҳисобдан чиқарилади | – / 10000000 |
| | В) устама харажатлар ҳисобдан чиқарилиши<br>Сўмда:<br><br>Чет эл валютасида: | – / 1900000<br>400 / 412000 |
| 4 | Сотувчининг транзит валюта ҳисобвара$^{2}$ига сотилган товар учун тўлов келиб тушди (доллар курси 1031,0 сўм) | 5000 / 5115000 |

**14-Масала.**

Экспортёр экспорт қилинган товарлар учун келиб тушган валюта тушумини мажбурий тартибда сотиш бўйича қуйидаги операцияларни амалга оширди:

1. Мажбурий сотиш учун мўлжалланган валюта тушуми транзит ҳисобвара$^{2}$идан ваколатли банкнинг махсус шахсий ҳисобвара$^{2}$ига депонентланди (доллар курси 1029,0 сўм):

2. Валюта тушумининг қолган қисми жорий валюта ҳисобвара$^{2}$ига кирим қилинди.
3. Экспортёрнинг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобвара$^{2}$ига валютани мажбурий сотишдан келиб тушган сўм комиссион ҳақ ҳисобдан чиқарилган ҳолда кирим қилинди.
4. Чет эл валютасини сотиш бўйича банк кўрсатган хизматлари учун комиссион ҳақ ҳисобланди ва тўланди.

Валюта тушуми 5000 АҚШ долларини ташкил этган. Товар экпорт қилинган кундаги АҚШ доллари курси 1031,0 сўм, сотиш вақтидаги курс эса 1029,0 сўм бўлган. Банк кўрсатган хизматлари учун комиссион ҳақ 74250 сўмни ташкил этган.

**Топшириқлар:**

1. Чет эл валютасини мажбурий сотиш тартибини тушунтиринг ва сотилган валюта қийматини аниқланг.

2. Чет эл валюта курси ўртасидаги фарқни аниқланг.
3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг.

**15-Масала.**

Экспортёр экспорт учун мўлжалланган товарларни беришда ва товарнинг импортёр томонидан қабул қилинишида камомад ва бузилиш аниқланди. Камомад ва бузилиш натижасида келиб чиққан суммага (60000 сўм, бунда 40000 сўм – сотилган товарлар камомадининг ҳисоб нарҳи, 20000 сўм – ҳисоб нархидан ошган қисми) айбдор корхонага даъво қилинди. Бунда:

- камомад ёки бузилиш суммаси – 50000 сўм
- табиий камайиш суммаси – 10000 сўм

**Топшириқлар:**

1. Айбдор корхонага камомад ва бузилиш бўйича даъво ижобий ҳал қилинган ҳолда бухгалтерия проводкасини келтиринг.
2. Айбдор корхонага камомад ва бузилиш бўйича даъво салбий ҳал қилинган ҳолда бухгалтерия проводкасини келтиринг.
3. Камомад ва бузилиш аниқланганда бухгалтерия проводкасини келтиринг.

**16-Масала.**

Экспортёр корхона товарларни қайта ишлаш шарти билан экспорт қилди ва қуйидаги операцияларни бажарди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{\text{АКШ.дол}}{\text{сум}}$ |
|---|---|---|
| 1 | Экспорт товари экспортёр томонидан юклаб жўнатилди. Товар таннархи | $\frac{-}{10000000}$ |
| 2 | Экспорт давлатига товар етиб келди ва қайта ишлашга берилди | $\frac{-}{10000000}$ |
| 3 | Чет эл фирмасига товарни қайта ишлагани учун чет эл валютасида ҳақ тўлади<br>Чет эл валютасини ўтказиш вақтидаги валюта курси – 1030,0 сўм | $\frac{200}{206000}$<br>$\frac{200}{206000}$ |
| 4 | Импортёрга экспорт қилинган товар учун ҳақни тўлаш бўйича ҳужжатлар тақдим этилди | |

**Топшириқлар:**

1. Импортёрга экспорт қилинган товар нархини аниқланг (сўмда ва АҚШ долларида).

2. Товарнинг янги контракт суммасини аниқланг (сўмда ва АҚШ долларида).

3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини келтиринг.

**17-Масала.**

Экспортёр корхона товарларни комиссия шартномаси асосида товарларни экспорт қилди ва қуйидаги операцияларни бажарди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АҚШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | Экспорт товари экспортёр томонидан юклаб жўнатилди. Товар таннархи | $\frac{-}{10000000}$ |
| 2 | Комитент томонидан экспорт бўйича устама харажатлар тўланди: | $\frac{-}{800000}$ |
| 3 | Портдан ёки чегара темир йўл пунктидан чет эл харидари фойдасига товар юклаб жўнатилганлиги тў²рисида комиссионер хабар олганда:<br>А) товарнинг контракт суммаси (доллар курси 1030,0 сўм)<br>Б) товарнинг таннархи акс эттирилади<br>В) сўмда комитентнинг устама харажатлари ҳисобдан чиқарилади<br>Г) чет эл валютасида комиссионерга қоплаб берилиши лозим бўлган устама харажатлар ҳисобдан чиқарилади<br>Д) Комиссионерга тўланиши лозим бўлган комиссион ҳақ ҳисобдан чиқарилади | <br><br><br><br>$\frac{5000}{5150000}$<br>$\frac{-}{10000000}$<br>$\frac{-}{800000}$<br>$\frac{350}{5147500}$<br>$\frac{-}{700000}$ |
| 4 | Комиссионерга ҳисоблаб ёзилади:<br>А) комиссион мукофот:<br>Асосий сумма<br>ққС<br>Б) комиссионернинг товар сотилиши билан бо²лиқ бўлган харажатлари | <br><br>$\frac{-}{700000}$<br>$\frac{-}{140000}$<br>$\frac{350}{5147500}$ |
| 5 | Комитентнинг транзит валюта ҳисобвара²ига комиссионер томонидан экспорт товарини сотишдан тушган тушум ишлатилган сумма ҳисобдан чиқарилган ҳолда ўтказилди (доллар курси 1031,0 | |

| | | |
|---|---|---|
| | сўм) | |
| 6 | Комитент томонидан комиссионер билан якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилди | |

**Топшириқлар:**

1. Экспорт товарларининг комиссия шартномаси асосида сотилиш тартибини тушунтиринг.
2. 5- ва 6- пунктларни ҳисоблаб топинг.
3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини келтиринг.

**18-Масала.**

Комиссионер комитент билан тузилган комиссия шартномасига мувофиқ товарларни экспорт қилди ва қуйидаги операцияларни бажарди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | Экспорт товари экспортёр томонидан юклаб жўнатилди ва уни комиссионер қабул қилиб олди. Товар таннархи | $\frac{-}{10000000}$ |
| 2 | Комиссионер томонидан чет эл валютасида экспорт бўйича устама харажатлар тўланди: | $\frac{350}{360500}$ |
| 3 | Товарлар юклаб жўнатилгандан сўнг комиссионер керакли бўлган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда харидорга ҳисоб ҳужжатларини беради. Контракт суммаси 5000 $, доллар курси эса – 1030,0 сўм | $\frac{5000}{5150000}$ |
| 4 | Харидордан комиссионер транзит валюта ҳисобвара²ига товарни сотишдан келган тушум келиб тушди. Доллар курси – 1031,0 сўм<br>Валюта курси фарқи | $\frac{5000}{5155000}$<br>$\frac{-}{7500}$ |
| 5 | Комиссионер товар экспорти бўйича устама харажатларини қоплаш мақсадида транзит валюта ҳисобвара²идан ўзининг жорий валюта ҳисобвара²ига валютани ўтказади. (доллар курси 1031,0 сўм)<br>Валюта курси фарқи | $\frac{350}{360850}$<br>$\frac{-}{350}$ |
| 6 | Комиссионер комитентнинг транзит валюта ҳисобвара²ига сотишдан тушган тушумнинг қолган қисмини ўтказди (5000-350) (доллар курси 1031,0 сўм) | $\frac{4650}{47944150}$ |

| | | |
|---|---|---|
| 7 | Комиссионерга тегишли бўлган комиссион мукофот ҳисоблаб ёзилди:<br>Асосий сумма<br><br>ққС<br>Бир вақтнинг ўзида ққС бюджет билан ҳисоб-китобларга ўтказилди | $\frac{-}{700000}$<br>$\frac{-}{140000}$<br>$\frac{-}{140000}$ |
| | Комитент томонидан комиссионерга тегишли бўлган комиссион мукофот ўтказилди | $\frac{-}{840000}$ |

**Топшириқлар:**

1. Комиссионерда комиссия шартномаси бўйича амалга оширилган экспорт операция қандай тартибда ҳисобга олинишини кўрсатинг.
2. Тегишли бухгалтерия проводкаларни келтиринг.

**19-Масала.**

ўзбекистонлик пудратчи корхона хорижда қурилишни амалга оширди ва уни тўлиқ ишлар бажарилиб бўлингандан сўнг фойдаланишга топширди. Уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидагиларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{\text{АКШ.дол}}{\text{сум}}$ |
|---|---|---|
| 1 | Объектни қуриш бўйича қуйидаги харажатлар ҳисобга олинди:<br>Материаллар қиймати<br>Корхона ишчи-ходимлари ва ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи<br>Электр энергия, иссиқлик энергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув ҳамда бошқа хизматлар ҳақи<br>ўз асосий воситаларининг амортизацияси<br>Ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара ҳақи<br>Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар:<br>шахсий<br>ижарага олинган<br>Бошқа харажатлар | |
| 2 | қурилиш тугатилиб хақиқатдаги харажатлар қабул-қилиш далолатномаси тузилгандан сўнг харажатлар ҳисобланди | $\frac{80000}{82320000}$ |
| 3 | қурилиш объекти тўла контракт суммасига | |

| | | |
|---|---|---|
| 4 | қабул-қилиш далолатномаси асосида буюртмачига топширилди (доллар курси – 1030,0 сўм):<br>А) объектнинг контракт суммаси акс эттирилди<br><br>Б) қурилган объектнинг таннархи акс эттирилди | 100000<br>103000000<br>80000<br>82320000 |
| 4 | Чет эллик буюртмачи тўловни амалга оширди. Валюта тушуми ўзбекистонлик пудратчи корхонанинг транзит валюта ҳисобвара²ига кирим қилинди. Доллар курси – 1032,0 сўм<br>Валюта курси фарқи (100000*(1032,0-1030,0)) | 100000<br>103200000<br>–<br>200000 |
| 5 | Валюта тушумидан объектни куриш харажатлари қопланади ва валютани мажбурий сотиш амалга оширилади:<br>А) транзит валюта ҳисобвара²идан валюта мажбурий сотилди. Доллар курси – 1031,5 сўм<br>Б) валюта тушумининг қолган қисми жорий валюта ҳисобвара²ига кирим қилинди<br>В) транзит валюта ҳисобвара²ида ҳосил бўлган валюта курси фарқи ҳисобга олинди<br>Г) валютани мажбурий сотишдан тушган сўмдаги мабла²лар банкнинг комиссион ҳақи (1%) олинган ҳолда талаб қилиб олингунча ҳисобвара²ига кирим қилинди.<br>Д) валютани мажбурий сотишдан олинган фойда ҳисобга олинди (доллар курси – 1031,0 сўм, сотиш курси – 1032,5 сўм)<br>Е) валютани транзит ҳисоб вара²идан чиқариб ($ - 1031,5 сўм) уни сотишга ($ - 1031,0 сўм)қадар юзага келган валюта курси фарқи акс эттирилди<br>Ж) чет эл валютасини сотишда хизмат кўрсатганлиги учун банкка комиссион ҳақ акс эттирилди | |

**Топшириқлар:**

1. Хорижда қурилишни амалга оширувчи пудратчи корхона қурилишни тўлиқ ишлар бажарилиб бўлингандан сўнг фойдаланишга топшириши ва уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш тартибини тушунтиринг.

2. Жадвалнинг бешинчи бандидаги операциялар суммаларини аниқланг.

3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг ва изоҳланг.

**20-Масала.**

Ўзбекистонлик пудратчи корхона хорижда қурилишни амалга оширди ва уни алоҳида босқичларда фойдаланишга топширди. Уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидагиларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | Биринчи босқичда объектни қуриш бўйича қуйидаги харажатлар ҳисобга олинди:<br>Материаллар қиймати<br>Корхона ишчи-ходимлари ва ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи<br>Электр энергия, иссиқлик энергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув ҳамда бошқа хизматлар ҳақи<br>Ўз асосий воситаларининг амортизацияси<br>Ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара ҳақи<br>Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича харажатлар:<br>шахсий<br>ижарага олинган<br>Бошқа харажатлар | |
| 2 | Биринчи босқич қурилиши тугатилиб хақиқатдаги харажатлар ҳисобланди | $\frac{20000}{20560000}$ |
| 3 | Биринчи босқичда қурилиш объекти суммасига қабул-қилиш далолатномаси асосида биринчи босқич контракт суммаси акс эттирилди – 26000 $. (доллар курси – 1031,0 сўм): | $\frac{26000}{26806000}$ |
| 4 | Биринчи босқичда қилинган хақиқатдаги харажатлар ҳисобдан чиқарилди | $\frac{20000}{20560000}$ |
| 5 | Чет эллик буюртмачи биринчи босқич ишларни бажарганлиги учун тўловни амалга оширди. Валюта тушуми ўзбекистонлик пудратчи корхонанинг транзит валюта ҳисобвара²ига кирим қилинди. Доллар курси – 1031,0 сўм | $\frac{26000}{26806000}$ |

| | | |
|---|---|---|
| 6 | Валюта тушумидан объектни қуриш харажатлари қопланади ва валютани мажбурий сотиш амалга оширилади:<br>А) транзит валюта ҳисобварағидан валюта мажбурий сотилди. Доллар курси – 1031,5 сўм<br>Б) валюта тушумининг қолган қисми жорий валюта ҳисобварағига кирим қилинди<br>В) транзит валюта ҳисобварағида ҳосил бўлган валюта курси фарқи ҳисобга олинди<br>Г) валютани мажбурий сотишдан тушган сўмдаги маблағлар банкнинг комиссион ҳақи (1%) олинган ҳолда талаб қилиб олингунча ҳисобварағига кирим қилинди.<br>Д) валютани мажбурий сотишдан олинган фойда ҳисобга олинди (доллар курси – 1031,0 сўм, сотиш курси – 1032,5 сўм)<br>Е) валютани транзит ҳисобварағидан чиқариб ($ - 1031,5 сўм) уни сотишга ($ - 1031,0 сўм) қадар юзага келган валюта курси фарқи акс эттирилди<br>Ж) чет эл валютасини сотишда хизмат кўрсатганлиги учун банкка комиссион ҳақ акс эттирилди | |
| 7 | қурилиш объекти тўлиқ тугатилгандан сўнг тўла контракт суммасига қабул-қилиш далолатномаси асосида буюртмачига топширилди – 100000 $. | $\frac{100000}{102950000}$ |

**Топшириқлар:**

1. Хорижда қурилишни амалга оширувчи пудратчи корхона қурилишни босқичма-босқич ишлар бажарилиб бўлингандан сўнг фойдаланишга топшириши ва уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш тартибини тушунтиринг.
2. Жадвалнинг олтинчи бандидаги операциялар суммаларини аниқланг.
3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг ва изоҳланг.

**21-Масала.**

Ўзбекистонлик ташкилот хорижда хизмат кўрсатди ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси |
|---|---|---|

| | | $\frac{\text{АКШ.дол}}{\text{сум}}$ |
|---|---|---|
| 1 | ўзбекистонлик ташкилотнинг хизматларни кўрсатиш бўйича харажатларни акс эттирди<br>А) сўмда<br><br>Б) чет эл валютасида (доллар курси – 1030,5 сўм) | $\frac{-}{200000}$<br><br>$\frac{1000}{1030500}$ |
| 2 | Хизматларни қабул-қилиш далолатномасига асосан контракт суммасига ҳисоб ҳужжатлари буюртмачига тақдим этилди – 1500 $. Доллар курси – 1031,0 сўм | $\frac{1500}{1546500}$ |
| 3 | ҳақиқатдаги хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди | $\frac{1400}{1442000}$ |
| 4 | Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобланган ққС | |
| 5 | Хорижий буюртмачи хизмат ҳақини тўлади. Валютанинг транзит ҳисобвара$^{2}$ига келиб тушиш санасидаги валюта курси – 1029,0 сўм.<br>Валюта курси фарқи | |

**Топшириқлар:**

1. ўзбекистонлик ташкилот хорижда хизмат кўрсатиши ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини тушунтиринг.

2. Жадвалнинг тўртинчи ва бешинчи бандидаги операциялар суммаларини аниқланг.

3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг ва изоҳланг.

**22-Масала.**

ўзбекистонлик ташкилот мамлакат ичида норезидентга хизмат кўрсатди ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{\text{АКШ.дол}}{\text{сум}}$ |
|---|---|---|
| 1 | ўзбекистонлик ташкилотнинг хизматларни кўрсатиш бўйича харажатларини акс | $\frac{-}{3000000}$ |

| | | |
|---|---|---|
| | эттирди (сўмда) | $\frac{-}{3000000}$ |
| 2 | Хизматларни қабул-қилиш далолатномасига асосан контракт суммасига ҳисоб ҳужжатлари хорижий буюртмачига тақдим этилди – 4800000 сўм, шундан 800000 сўм ққС | $\frac{-}{4800000}$ |
| 3 | ҳақиқатдаги хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобдан чиқарилди | $\frac{-}{3000000}$ |
| 4 | Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобланган ққС | $\frac{-}{800000}$ |
| 5 | Хорижий буюртмачи хизмат ҳақини тўлади. | $\frac{-}{4800000}$ |

**Топшириқлар:**

1. ўзбекистонлик ташкилот мамлакат ичида норезидентга хизмат кўрсатиши ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини тушунтиринг.

2. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг ва изоҳланг.

## 5-Мавзу: Импорт операциялари ҳисоби

**23-Масала.**

Импортёр тў²ри импорт контракти бўйича товарларни ўз валюта мабла²лари ҳисобига импорт қилди ва қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | Импортёрнинг товарларни импорт қилиш бўйича харажатлари ҳисобга олинди:<br>А) товарнинг контракт суммаси. Доллар курси – 1030,0 сўм<br>Б) товарнинг контракт суммасига кирмайдиган товарни олиб келиш билан бо²лиқ харажатлар. Доллар курси – 1031,0 сўм<br>В) божхона тўловлари:<br>- божхона пошлинаси<br>ҳисобланган<br>тўланган<br>- чет эл валютасидаги божхона йи²имлари | $\frac{1000}{1030000}$<br>$\frac{100}{103100}$ |

| | | |
|---|---|---|
| | ҳисобланган<br>тўланган<br>- акциз<br>ҳисобланган<br>тўланган<br>- ққС<br>ҳисобланган<br>тўланган | |
| 2 | Товар қийматини тўлаш учун хорижий мол етказиб берувчига валюта қийматликлари ўтказилган. Доллар курси – 1029,0 сўм | $\frac{1000}{1029000}$ |
| 3 | Чегарадан импортёр омборхонасига товарни олиб келиш харажатлари ҳисобга олинди:<br>Асосий харажатлар<br><br>ққС | $\frac{-}{50000}$<br>$\frac{-}{10000}$ |
| 4 | Олиб келинган импорт товари омборхонага кирим қилинди | |

**Топшириқлар:**

1. ўз валюта мабла²лари ҳисобига тў²ри импорт контракти бўйича товарларни импорт қилиш тартибини тушунтиринг.
2. Божхона тўловларини ҳисобланг.
3. Олиб келинган импорт товари таннархини аниқланг.
4. Бухгалтерия проводкаларини тузинг.

**24-Масала.**

Импортёр тў²ри импорт контракти бўйича товарларни сотиб олган валюта мабла²лари ҳисобига импорт қилди ва қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | Сўм ҳисобидаги ҳисобвара²идан импортёр чет эл валютасини сотиб олиш учун сўмни ўтказди | $\frac{-}{1134000}$ |
| 2 | Ваколатли банк томонидан импортёрнинг валюта ҳисобвара²ига сотиб олинган чет эл валютаси кирим қилинди, сўмнинг қолган қисми эса қайтарилиб берилди. Сотиб олиш кунидаги валюта курси – 1030,0 сўм.<br>Сотиб олиш курси – 1032,0 сўм. Бир | $\frac{1100}{1133000}$ |

| | | |
|---|---|---|
| | вақтнинг ўзида МБ расмий курси ўртасида юзага келган фарқ натижасида юзага келган зарар акс эттирилади. | |
| 3 | Ваколатли банкка ҳизмат кўрсатганлиги учун комиссион ҳақ тўланди (сотиб олинган валютанинг 1 % и) | |
| 4 | Экспортёрга товар ҳақи учун валюта ўтказилиб берилди. Доллар курси – 1029,0 сўм. | |
| 5 | Импортёрнинг товарларни импорт қилиш бўйича харажатлари ҳисобга олинди:<br>А) товарнинг контракт суммаси. Доллар курси – 1030,0 сўм<br>Б) товарнинг контракт суммасига кирмайдиган товарни олиб келиш билан боғлиқ харажатлар. Доллар курси – 1031,0 сўм<br>В) божхона тўловлари:<br>- божхона пошлинаси<br>ҳисобланган<br>тўланган<br>- чет эл валютасидаги божхона йиғимлари<br>ҳисобланган<br>тўланган<br>- акциз<br>ҳисобланган<br>тўланган<br>- ққС<br>ҳисобланган<br>тўланган | 1000<br>1030000<br>100<br>103100 |
| 6 | Чегарадан импортёр омборхонасига товарни олиб келиш харажатлари ҳисобга олинди:<br>Асосий харажатлар<br><br>ққС | –<br>50000<br>–<br>10000 |
| 7 | Олиб келинган импорт товари омборхонага кирим қилинди | |

**Топшириқлар:**

1. Сотиб олинган валюта маблағлари ҳисобига тўғри импорт контракти бўйича товарларни импорт қилиш тартибини тушунтиринг.

2. Чет эл валютасини сотиб олиш тартибини тушунтириб беринг.

3. Ваколатли банкка хизмат кўрсатганлиги учун ҳақни ҳисобланг.

4. Божхона тўловларини ҳисобланг.

5. Бухгалтерия проводкаларини тузинг.

**25-Масала.**

ўзбекистонлик ташкилотга хорижда хизмат кўрсатилди ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | ўзбекистонлик корхона хорижий корхона кўрсатган хизматлар ҳақини тўлаш учун хизматларни қабул-қилиш далолатномасини имзолади ва унга асосан контракт суммасини ҳисобга олди (доллар курси – 1030,0 сўм) | $\frac{1000}{1030000}$ |
| 2 | Валюта ҳисобвара²идан кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаб берилди. Доллар курси – 1029,0 сўм | $\frac{1500}{1543500}$ |

**Топшириқлар:**

1. Хорижда резидент корхоналарга хизмат кўрсатиш яъни хизматларни импорт қилиниши ва уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш тартибини тушунтиринг.

2. Импорт қилинган хизмат учун қилинган харажатларни ҳисобдан чиқарилиш тартиби қандай?

3. Валюта курси фарқини аниқланг.

4. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг ва изоҳланг.

**26-Масала.**

Маҳаллий корхонага хорижий корхона ўзбекистонда хизмат кўрсатди ва хизмат учун ҳақни миллий валюта сўмда тўлади, уни маҳаллий корхона ўз бухгалтерия ҳисоби маълумотларида акс эттириш учун қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси $\frac{АКШ.дол}{сум}$ |
|---|---|---|
| 1 | ўзбекистонлик корхона хорижий корхона кўрсатган хизматлар ҳақини тўлаш учун | |

| | | |
|---|---|---|
| | хизматларни қабул-қилиш далолатномасини имзолади ва унга асосан контракт суммасини ҳисобга олди – 3360000 сўм, шундан:<br>А) Асосий сумма<br>Б) ққС | – / 280000<br>– / 560000 |
| 2 | Талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобвара[2]идан кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаб берилди. | – / 3360000 |
| 3 | Солиқ қонунчилигига асосан тўланган ққС ҳисобдан чиқарилди:<br>А) ҳисобдан чиқарилади<br>ёки<br>Б) ишлаб чиқариш, товарларни сотиш харажатларига ўтказилади | – / 560000<br>– / 560000 |

**Топшириқлар:**

1. Маҳаллий корхонага хорижий корхона ўзбекистонда хизмат кўрсатиши ва хизмат учун ҳақни миллий валюта сўмда тўлаши ва уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш тартибини тушунтиринг.
2. Импорт қилинган хизмат учун қилинган харажатларни ҳисобдан чиқарилиш тартиби қандай?
3. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг ва изоҳланг.

**27-Масала.**

Маҳаллий корхонага хорижий корхона ўзбекистонда хизмат кўрсатди ва хизмат учун ҳақни чет эл валютаси АқШ долларида тўлади, уни маҳаллий корхона ўз бухгалтерия ҳисоби маълумотларида акс эттириш учун қуйидаги операцияларни амалга оширди:

| № | Операция мазмуни | Суммаси *АКШ.дол* / *сум* |
|---|---|---|
| 1 | ўзбекистонлик корхона хорижий корхона кўрсатган хизматлар ҳақини тўлаш учун хизматларни қабул-қилиш далолатномасини имзолади ва унга асосан контракт суммасини ҳисобга олди – 1200$, (доллар курси – 1030,0 сўм) шундан:<br>А) Асосий сумма<br>Б) ққС | 1000 / 1030000<br>200 / 206000 |

| | | |
|---|---|---|
| 2 | Валюта ҳисобвара²идан кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаб берилди. Доллар курси – 1029,0 сўм.<br>Валюта курси фарқи | $\frac{1200}{1234800}$ |
| 3 | Солиқ қонунчилигига асосан тўланган ққС ҳисобдан чиқарилди:<br>А) ҳисобдан чиқарилади<br>ёки<br>Б) ишлаб чиқариш, товарларни сотиш харажатларига ўтказилади | |

**Топшириқлар:**

1. Маҳаллий корхонага хорижий корхона ўзбекистонда хизмат кўрсатиши ва хизмат учун ҳақни чет эл валютаси АқШ долларида тўлаши ва уни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш тартибини тушунтиринг.
2. Импорт қилинган хизмат учун қилинган харажатларни ҳисобдан чиқарилиш тартиби қандай?
3. Валюта курси фарқи ва ққС ни аниқланг.
4. Тегишли бухгалтерия проводкаларини тузинг ва изоҳланг.

**28-Масала.**

қуйидаги берилган маълумотлардан фойдаланиб маҳаллий воситачи-комиссионер корхонасининг импорт муомалаларини бухгалтерияда ҳисобга олиш учун зарур бухгалтерия ўтказмаларини ёзинг. Бунда импорт товарлар воситачи корхона омборига келтирилади.

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Сумма | | ҳисоб-счётлари корреспонденцияси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | АқШ долл. | Сўм | Д-т | К-т |
| 1 | 2 | 3 | | 4 | 5 |
| 1. | Хорижий фирмадан комиссия учун 260 сўм/долл валюта курси бўйича товарлар қабул қилинди. | 1000000 | | | |
| 2. | Шартномага асосан божхона божи ва товарни божхонада расмийлаштириш божхона харажатлари корхона ҳисобидан тўланган | | 400000 | | |
| 3. | Импорт товарларни божхонада расмийлаштирилганда ққС ва бошқа тўловлар қўмита ҳисобидан амалга оширилди. | | 1360000 | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | ҳисоб-китоб счётига реализация қилинган товар учун харидордан пул маблағи тушди.:<br>-сотиш баҳоси бўйича<br>-ққС | | 8904000<br>7420000<br>1484000 | | |
| 5. | Сотилган товарлар айланмасидан ҳисобланган ққС акс эттирилди. | | 1484000 | | |
| 6. | ққС суммаси қўмита ҳисобидан ўтказилди. | | 1484000 | | |
| 7. | Комиссионер ҳисобида шартнома суммасидан 5% комиссион акс эттирилди. | | 445200 | | |
| 8. | Комиссион суммасидан ққС ҳисобланди. | | 89000 | | |
| 9. | ҳисобланган ққС суммаси бюджетга ўтказилди. | | 89000 | | |
| 10. | Хорижий фирма билан ҳисоблашиш учун ҳисоб-китоб счётидан валюта сотиб олиш учун ўтказилди. Валюта курси-262 сўм/долл | 12500 | | | |
